# БИРДАМЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 41 (8531). ● 25 февраль, 1985 йил ● ДУШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИККА БЎЛГАН ИРОДА

«Советлар» деган қисқа сўз дунёдаги барча халқларнинг тилига таржимасиз кирди. Тарихда биринчи ишчи-деҳқонлар давлати — мамлакатимизнинг номи бўлган бу сўз айни вақтда унинг сиёсий негизини аниқ ва мазмундор қилиб белгилади. Халқ депутатлари Советлари — социалистик демократиянинг жонли ифодаси, коммунистик қурилишнинг қудратли қуролидир.

Совет ҳокимиятига сайлов куни — 24 февраль бизнинг календаримизда байроқлар ва транспарантларнинг қизил ранги билан белгилаб қўйилган.

«Совет ҳокимияти органларига сайлов — халқ сиёсий иродасининг бевосита, яққол ифодасидир», — деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко Москвадаги Куйбишев сайлов округи сайловчилари йиғилишидаги нутқида. Барча совет кишилари каби пойтахт аҳолиси ва унинг меҳмонлари ўзларининг тинчлик ва бунёдкорликка бўлган иродасини изҳор қилиш, коммунистлар ленинча партияси теварагида мустаҳкам жипслашганликларини намойиш этиш учун сайлов участкасига келдилар.

Москвада, улуғ Совет давлатининг пойтахтида мамлакатимиз истиқбол сари кенг ва дадил қадам ташлаб бораётганлиги айниқса яққол сезилади. РСФСР Олий Советига аввалги сайловдан кейин ўтган беш йил ичида Москва корхоналари саноат маҳсулотининг жами ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Меҳнат унумдорлиги 13,2 процент ортди.

Москваликлар ўтган йилги ва умуман беш йилликнинг тўрт йили план топшириқлари билан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Сайлов кунигача эса 400 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчи икки ва ундан кўпроқ ойлик топшириқларини адо этди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун Москва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан яна мукофотланди.

Совет кишилари ўз муваффақиятларини, зафарларини, келгусидаги режаларини партия билан боғламоқдалар. Бутун мамлакатда бўлгани каби пойтахтда ҳам КПСС билан Совет давлатининг раҳбарлари депутатликка биринчи номзодлар этиб кўрсатилганликлари жуда диққатга сазовордир.

Куйбишев сайлов округи. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К У. Черненко РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилмоқда.

120-сайлов участкасида овоз бериш байрамлардагидек шодиёна вазиятда ўтмоқда. Рассадинлар оиласи биринчилардан бўлиб гражданлик бурчини адо этди. Оила бошлиғи Геннадий Иванович 30 йиллик стажга эга бўлган ишчидир. У шу муддатнинг ярмидан кўпроғи давомида «Хроматрон» заводида ишлади. Бу ерда завод ишга туширилганидан буён меҳнат қилмоқда. Олий разрядли созловчи, фаол рационализатор бўлган Рассадин мураккаб технология машина-ускуналарига хизмат қилмоқда, ишчи ҳазиломуз айтгандек тараққиётдан орқада қолмаслик учун электр-механика техникумини сиртдан ўқиб тамомлади.

— Заводимиз коллективи, — деди ветеран ТАСС мухбирларига, — партия ва давлатнинг атоқли арбоби, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси Константин Устинович Черненкони зўр қувонч билан яна ўз номзоди этиб кўрсатди. Меҳнат аҳлига яқинлик, улар билан маслаҳатлашиб туришга, уларнинг фикрига қулоқ солишга интилиш каби чинакам ленинча фазилатлар унга хосдир.

Биз ўртоқ Черненконинг: камроқ чиқим қилиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарайлик, экономикани интенсив ўстиришнинг формуласи ана шундай, деб айтган сўзларини партиянинг накази, деб қабул қилдик. Бу формуланинг қанчалик тўғрилигини «Хроматрон» заводининг намунаси тасдиқлаб турибди.

Ишчининг рафиқаси — Нина Васильевна суҳбатга қўшилади.

— Советлар — халқ ҳокимияти ва халқ учун ҳокимият деб тўғри айтишади.

Москва олий партия мактабининг доценти В. М. Барбашев ҳам шу сайлов участкасида овоз бермоқда.

— Муболағасиз айтиш мумкинки, биз одатдан ташқари бир пайтда яшамоқдамиз, — дейди олим ўз фикрини ўртоқлашиб. — Партия ҳозирги даврни мамлакатимизда барпо этилган ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш сари бурилишнинг бошланиши деб белгилади. Константин Устинович Черненко унинг концепциясини ишлаб чиқишга ғоят катта ҳисса қўшмоқда. Унинг раҳбарлигида янги таҳрирдаги КПСС Программасини, социалистик идеалларимизни тўла-тўкис амалда рўёбга чиқариш имконини берадиган катта бунёдкорлик фаолияти программасини тайёрлаш ниҳоясига етказилмоқда.

100-сайлов участкаси 526-мактабда жойлашган. Бу ерда ўқиш, синфдан ташқари ишлар учун барча шароитлар яратилган: дарслар фақат биринчи сменада ўтказилади, станоклари бўлган учта устахона, иккита спорт зали, театр студияси, кино зали болалар ихтиёридадир.

— Бизнинг янги биномиз — мактаб ислоҳоти талабларига тўла-тўкис мос келадиган чинакам билим саройидир, — дейди ҳозиргина гражданлик бурчини адо этган муаллима З. И. Лашнева. РСФСР халқ маорифи аълочиси З. И. Лашнева бу йил биринчи марта олти ёшли болаларни қабул қилди.

Халқ партияга, совет ҳукуматига тинчликни сақлаш, социалистик Ватаннинг пухта мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида берган наказлар уларнинг энг муҳим наказларидир. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади: тинчликни ҳеч ким совет кишиларичалик кўп қадрлай олмайди, чунки ҳеч ким урушнинг даҳшатли қиёфасини уларчалик яхши билмайди.

Белорус вокзали Москва учун фронтга олиб борувчи дарвоза бўлган эди. Ватан ҳимоячилари ҳаракатдаги армияга шу ердан жўнаб кетишган. Бу ерда 41-йилда Москва лашкарларини эшелонларда кузатиш чоғида А. В. Александровнинг «Муқаддас уруш» қўшиғи — севикли Ватанга содиқлик қасамёди, фашист галаларини тор-мор этиш қасамёди бўлиб биринчи марта янграган эди.

Москва темир йўл транспорти инженерлари институтини сиртдан тамомлаган Сахаров мана 40 йилдирки, Белорус вокзалида ишламоқда. Кейинги йилларда у мана шу йирик транспорт узелига бошчилик қилмоқда. Аммо бугун унинг вазифалари бошқача: у вокзалда ишлаётган Фрунзе округи участка сайлов комиссиясининг раиси. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов РСФСР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилмоқда.

— Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган йилда, — дейди Михаил Николаевич, — партиямиз Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг сиёсати узоқни кўра оладиган нақадар доно сиёсат эканлигини айниқса кучлироқ ҳис этасан киши.

Перронларга пешма-пеш поездлар келиб турибди, кўпгина пассажирлар бошқа ишларни қўйиб шу ернинг ўзида, вокзалда гражданлик бурчини адо этишга ошиқмоқдалар.

Бу йил 115 йиллиги нишонланадиган Белорус вокзалини реконструкция қилишни Ғалаба кунигача тугаллаш мўлжалланмоқда, июль ойида эса янгиланган ва яшарган вокзал ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивалининг қатнашчиларини кутиб олади.

Москвадаги «Искра революции» босмахонасининг муқовачиси Г. В. Блинова республика давлат ҳокимиятининг олий органига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев овозга қўйилаётган 71-Киев сайлов округи сайлов участкасига биринчилар қатори келди.

Илғор ишчи янгиликни қувона-қувона гапириб берди: у меҳнат қилаётган босмахона сайлов арафасида масъулиятли ва фахрли буюртмани бажарди — В. И. Ленин тўла асарлар тўплами поляк тилида нашр этилиб бўлди.

— ЮНЕСКОнинг маълумотларига кўра , Октябрь йўлбошчисининг асарлари дунёда энг кўп ўқиладиган китоблар ҳисобланади, — деди Галина Викторовна. — Революция ғалабасидан кейин унинг асарлари 134 тилда 15 минг мартадан зиёд нашр этилди.

Жуда катта миқёсдаги бу ишга бизнинг босмахонамиз ҳам ҳисса қўшганлиги қувончлидир. Корхонамиз Совет Иттифоқининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан ва Вьетнамнинг Меҳнат ордени билан мукофотланганлигининг рамзий маъноси бор. Умумий бойлигимиз бўлмиш Ленин ғоялари халқаро ишчилар синфи, қардош социалистик мамлакатлар бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Бирлик эса, ўртоқ Черненко таъкидлаганидек, куч-қувват манбаидир.

5-сайлов участкаси жойлашган завод клубига Владимир Иванович Полотнянщиков доим бўлганидек ошна-оғайнилари билан бирга келди. Завод сайловчиларидан олган наказларнинг қай бирини энг муҳим деб ҳисоблайсиз? — деган саволга бир оз ўйланиб тургач, қуйидагича жавоб қайтарди:

— Реконструкция ишларини тезроқ тугаллаш энг муҳим наказлар, чунки бу иш корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга кўпгина ишчи касбларининг характерини тубдан ўзгартиради.

Анъанага кўра сайлов куни совет кишилари учун босиб ўтилган йўлни баҳолашга, бундан буёнги ҳаракат режаларини аниқлаб олишга ёрдам берадиган марра бўлиб қолади. Ўтган беш йил мобайнида Перов районида, жумладан, Вешняки — Владичино микрорайонида кўп ўзгаришлар рўй берди, пойтахтнинг Вешняки сайлов округи номи ҳам шундан олинган. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин РСФСР Олий Совети ва Москва Совети депутатлигига номзод қилиб овозга қўйилмоқда.

Москванинг шу навқирон ва кўркам бурчагида «қадимдан» яшаб келаётган кишилардан бири — прожектор заводининг инженери Н. Т. Шикунов билан суҳбатлашамиз. У ҳозиргина 112-сайлов участкасида овоз бериб чиқди.

— Вешняки— Владичино кўп жиҳатдан менинг кўз ўнгимда обод бўлди, — дейди у. — Ҳозир бу ерда 120 минг москвалик истиқомат қилмоқда. Микрорайонда роҳат қилиб бемалол яшаш, мириқиб хордиқ чиқариш учун ҳамма шароит яратилган.

Бугунги кунни тарихимизнинг шонли саҳифаларидан ажратиб бўлмайди. Катта анъаналар маскани бўлган корхона — «Компрессор» заводида бу айниқса равшан сезилиб турибди. Технолог Е. П. Сидорова 131-сайлов участкасида гражданлик бурчини бажо келтирганидан кейин у билан шу ҳақда гаплашдик.

— Коллективимизнинг ҳамма ишлари ва фикр-ўйларида Улуғ Ватан уруши йилларида Ғалабага замин яратишга ёрдамлашган, машҳур «Катюшалар»ни фронтга жўнатиб турган кишилар миннатдорчилик билан эсга олинаётганлигини ҳис этиш мумкин. Ҳар куни мен завод ҳовлисидаги «Катюша» деб аталган ёдгорлик ёнидан ўтганимда бутун вужудим билан тўлқинланаман. Бу— қудратли қуролга ҳам, мамлакат меҳнатчиларининг қаҳрамонлигига ҳам қўйилган ёдгорликдир.

Революцион тарихнинг ҳамма унутилмас саналари каби халқ ҳокимияти байрами ҳам кишини тўлқинлантирувчи янгилик ва тантанаворлик билан, аммо одатдагидек ўтади. Келинг календарь саҳифаларини орқа тарафга варақлаб кўрайлик. Бизнинг Совет ҳокимиятимиз қандай бошланган эди, Октябрь ғалабасидан кейинги халқ депутатларининг биринчи сайлови қандай ўтган эди?

Вақт ўта бериб сарғайиб кетган «Известия» газетаси саҳифаларини эҳтиёткорлик билан варақлаймиз. 1918 йил 2 апрель: ишчи депутатлари Москва Совети ўз аъзоларининг умумий сайловини тайинлади. Газетанинг биринчи саҳифасида босмахонадаги энг йирик ҳарфлар билан терилган даъват янграйди: «Революцияни оғизда эмас, балки амалда қўллаб-қувватлайдиган кишилар учунгина овоз берингиз!».

Оғир ва машаққатли давр эди. 1918 йилнинг баҳорида Антанта мамлакатларининг интервенцияси бошланди. Германия империалистлари Украинани оккупация қилиб олдилар ва Брест сулҳини бузиб, илгари силжий бошладилар. Ички контрреволюция бош кўтарди. Москва Советининг мурожаатномаси остига умумий сафарбарлик тўғрисидаги, пойтахтнинг ортиқча аҳолисини кўчириш тўғрисидаги буйруқлар босилган. Газета саҳифаларидаги «Фронтда», «Уруш» сингари ташвишли сарлавҳалар кўзга ташланади.

Бир ойдан камроқ вақт муқаддам РСФСРнинг пойтахти деб эълон қилинган Москванинг шаҳар ва район Советларига биринчи сайлов бир неча кун мобайнида йиғилиш ва митингларда очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилди.

Москва Советига ҳаммаси бўлиб 903 депутат сайланди, шундан 527 депутат большевиклар ва уларга хайриҳоҳлардан иборат эди. Ишчи депутатлар революциянинг тақдири учун, ҳали ҳимоя қилиниши ва қурилиши лозим бўлган Советларнинг тақдири учун оғир масъулиятни ўз зиммаларига олдилар. «Меҳнаткаш ўртоқлар! — деб ёзган эди В. И. Ленин аҳолига қилган мурожаатномасида. — Ҳозирги вақтда давлатни ўзингиз идора қилаётганлигингизни эсда тутингиз... Сизнинг Советларингиз — бундан буён давлат ҳокимияти органлари, ваколатли, ҳал қилувчи органлардир». (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 72-бет).

Пойтахт меҳнаткашлари Октябрь йўлбошчисини Москва Советига биринчи депутат қилиб сайладилар. Ильичнинг вафотидан кейин Москва Советининг пленуми: 1-сон аъзолик билети доимо В. И. Лениннинг номига ёзилсин, деб қарор қилди...

Бугун ҳам биз Ленин номини дилга жо қилиб, Ленин тузган улуғ коммунистлар партиясига миннатдорчилик туйғулари билан фахрли гражданлик бурчини адо этиш — революция баррикадаларида юзага келган ҳокимият органлари, ваколатли, ҳал қилувчи органларни — Советларимизни сайлаш учун сайлов участкаларига келамиз.

* * *

Эрталаб соат 11 гача Москвада сайловчиларнинг 75 процентга яқини овоз берди.

(ТАСС).

*

**● ТЎЙТЕПА шаҳридаги 28-сайлов участкасида халқнинг ишончли вакилларига овоз бериш ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан бошланди. Сайлов қутиларига биринчи бўлиб бюллетень ташлаш иштиёқида келганлар орасида меҳнат ветеранлари билан бирга кўплаб ёшларни ҳам учратиш мумкин эди. Суратда: тўйтепаликлар олий ва маҳаллий ҳокимият органлари депутатлигига номзодлар учун якдиллик билан овоз бермоқдалар.**

А. Абалян фотоси.



## ТОШКЕНТ ОВОЗ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон пойтахти байрам либосида. Эрталабки шабада қизил алвонларни ҳилпиратиб турибди. Транспарантлар «Ҳамма сайловга!» деб чорламоқда.

24 февраль куни Стахановчилар кўчасидаги сайлов участкасига бораётган Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнатчилари «Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини меҳнатда янги рекордлар билан нишонлаймиз!» деган сўзлар ёзилган плакатни ўқидилар. Тошкент тўқимачилари бундан ярим аср муқаддам биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонлари бошлаган шонли ишлар эстафетасини муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Йил бошидан буён меҳнатда энг яхши кўрсаткичларга эришганлар орасида йилнинг икки ойи топшириғини муддатидан илгари адо этган комбинат ишчиси Нина Ивановна Таликина бор. Илғор меҳнатчининг номи Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Тошкент шаҳридаги 41-Фрунзе сайлов округининг сайлов бюллетенларига ёзиб қўйилган.

Учинчи даража Меҳнат шуҳрати орденининг нишондори Н. И. Таликина корхонадаги зарбдор ишини актив жамоатчилик фаолияти билан қўшиб олиб бормоқда. У ёшларни тарбиялашга кўп эътибор бермоқда, йигит ва қизлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради, уларга комбинат коллективида стахановчилик ҳаракатининг ривожланиши тўғрисида сўзлаб беради.

Корхона барпо этилган ўттизинчи йилларда Россиядаги ҳамкасблар Тошкент тўқимачиларига машина-ускуналарни ўзлаштиришга ёрдам беришган эди. Донгдор тўқувчи Мария Виноградова ҳам Ивановодан бу ерга келиб, юксак маҳорат сабоқларини берган эди. Ўша олис йилларда йигирувчилардан Ҳадича Солихўжаева, Мадина Саидова, тўқувчи Муҳаббат Носирова ва бошқалар коллективда стахановчилик ҳаракатини бошлаб берган эдилар. Машҳур тўқимачилардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Буолма Жўраева, Лидия Казанцева ҳамда бошқалар уларнинг шонли ишларини давом эттирдилар. Бугунги кунда коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун ветеранлар билан бир сафда туриб овоз берган кишилар зарбдор иш эстафетасини ўз қўлларига олишган. Тўқувчи Виноградовалар номидаги мукофот лауреатлари йигирувчилар Шоира Тошматова, Валентина Эргашева, тўқувчилар Евгения Губина, Каромат Ёқуббоева ва «Бир беш йилликда икки беш йилликни бажарамиз!» шиори остида мусобақалашаётган кўп станокчилар шонли авлодининг бошқа вакиллари шулар жумласидандир.

Шу куни Тошкент аҳолиси республика давлат ҳокимияти олий органига, халқ депутатлари маҳаллий советларига энг яхши ўғил ва қизларини сайлади. Булар орасида илғор ишчилар, олимлар, маданият арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари бор.

Сайловчилар депутатликка номзодлар учун овоз бера туриб, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги тўғрисида гапирдилар, халқ фаровонлиги тўғрисида, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС билан Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Бу ғамхўрлик ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев сайлов округи сайловчиларига қаратилган нутқида яна бир бор яққол тасдиқланди.

Ўзбекистон пойтахтидаги юзлаб ишчи коллективлари, бригадалар, цехлар ва корхоналар сайлов куни Ленин партияси билан социалистик Ватанга астойдил содиқлигини намойиш этиб, қабул қилинган мажбуриятлар бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар, стахановчилик ҳаракатининг анъаналарини бундан буён ҳам ривожлантириш, КПСС XXVII съездини, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб зафарлар билан кутиб олиш иштиёқида эканликларини билдирдилар.

(ЎзТАГ).

## МАЪҚУЛЛАЙМИЗ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

**Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Куйбишев сайлов округи сайловчиларининг йиғилишидаги нутқини жуда катта диққат-эътибор билан ўрганмоқдалар. Улар Ленин партияси сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар, коммунизм қурилиши буюк ишига садоқатларини изҳор этишяпти.**

### ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН

Комбинатимиз ишчи-хизматчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан учрашувдаги нутқини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқмоқдалар. Ўртоқ К. У. Черненко ўз нутқида ҳаётимиз янада фаровон, гўзал бўлиши учун янада самарали ишлашимиз зарурлигини яна бир бор уқдириб ўтди. Дарҳақиқат, ўз меҳнатимиз туфайли турмушимиз даражаси юксалаётганлигини амалда ҳис этиб турибмиз. Шунинг учун ҳам шонли саналарга тўла 1985 йилда ҳар қачонгидан ҳам самарали иш юритишга қатъий бел боғлаганмиз.

Йил бошида сайловлар кунига қадар икки беш йиллик топшириғини бажаришга сўз берган эдим. Ваъдамни шараф билан бажардим. Шу йилнинг охиригача яна икки йиллик топшириқни адо этиш мажбуриятини олдим. Бугун эса ўртоқ К. У. Черненконинг нутқидан илҳомланган кўплаб металлурглар бу ташаббусга қўшилмоқдалар. Яқинда сим чўзувчи А. Шек ҳам икки беш йиллик ҳажмида маҳсулот топшириб бўлганлигини билдирди. Ундан ташқари яна 160 нафар ҳамкасбимиз ўзига хос стахановчилик ҳаракатининг давомчилари бўлдилар. 24 февраль арафасида улар шахсий беш йиллик планларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Комбинатимиз азамат ишчилари келгусида ҳам иш суръатини бўшаштирмай янги марраларни забт этиш иштиёқидадирлар.

**Ў. АВАЗОВ,**
**Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати пайвандловчиси.**

●

### ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

Коммунистик партиямиз халқ хўжалиги барча тармоқларини интенсив ривожлантиришга жуда катта эътибор бермоқда. Бу ўртоқ К. У. Черненконинг Москвадаги Куйбишев сайлов округи йиғилишидаги нутқида ҳам ўз ифодасини топди. Партия ва давлатимизнинг раҳбари 80-йилларнинг охиригачаёқ фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, совет экономикасининг самарадорлигини оширишда ҳақиқий бурилиш бўлишини таъминлашни кўзлаб сабот билан иш олиб борилаётганлигини уқдирди.

Филиалимиз олимлари, конструкторлари ва инженерлари ҳам қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим илмий-тадқиқотлар олиб бораётирлар. Улар ишлаб чиққан янги технологиялар, конструкторлик ечимлари, яратаётган машина-механизмларини қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилиш механизациялаш даражасини янада юксалтириш имконини беради.

Барча совет кишилари қатори филиалимиз коллективи ҳам ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган кўрсатмаларни амалга ошириш учун янада сабот билан иш олиб боради. Қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

**Р. ТУРСУНОВ,**
**ГОСНИТИ Ўрта Осиё филиалининг етакчи инженери.**

●

### ТАШАББУСЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев сайлов округининг сайловчиларига қарата айтилган қуйидаги сўзлари қалбимдан чуқур жой олди: «Халқ турмуши фаровонлигини тезроқ ошириш учун ҳамма соҳалардаги ишимизни тезроқ ва тузукроқ яхшилаш зарур».

Мен ишлаётган «Ташсельмаш» заводининг меҳнатчилари кейинги йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган техниканинг сифатини яхшилаш учун талайгина иш қилдилар. Корхона пневматик подборщиклар билан ускуналанган ва такомиллаштирилган пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Ёш машинасозлар бу ишга муҳим ҳисса қўшдилар.

Партия ташкилоти комсомолга раҳбарликни яхшилаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий этиш юзасидан кўрган тадбирлар ёш ишчиларнинг ижодий ташаббускорлиги учун кенг имконият яратди. Мен раҳбарлик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ягона наряд билан ишлаш афзалликларидан баҳраманд бўлмоқда. Сайлов шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилди. Йил бошидан буён корхона конвейерларида тайёрлаб чиқарилган пландан ташқари 15 та комбайнда бизнинг ҳиссамиз бор.

Бироқ бажарилган ишларни бугунги кун вазифалари билан қиёслаганда бизнинг корхонамизда ҳали фойдаланилмаётган резервлар кўп, деган хулосага келиш қийин эмас. Биз, ёш коммунистлар, комсомол ҳамда ёшларнинг касб малакасини оширишга, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, ҳар бир меҳнатчида хўжайинлик туйғусини тарбиялашга ҳали етарлича эътибор бераётганимиз йўқ. Биз ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини ҳаракат учун қўлланма деб қабул қилдик. Биз партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб қайтариб, бошланган ишни яна ҳам зўр ғайрат билан давом эттирамиз. Меҳнат унумдорлигини тезроқ ўстириш учун, бинобарин эса халқ турмуш фаровонлигини ошириш учун ҳам шарт-шароитларни яратиш мақсадида бутун кучимизни сарфлаймиз.

**Р. ТЎРАЕВ,**
**«Ташсельмаш» заводининг бригадири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.**

*Янги универсал сеялка*



● «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари шу кунларда деҳқонларга кўплаб техника воситалари етказиб бермоқдалар. Корхонада, айниқса «СХУ-4» маркали универсал сеялкалари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериляпти.

**СУРАТДА:** жўнатишга тахт қилиб қўйилган янги сеялкалар.

Р. Шамсуддинов фотоси.

ЎзТАГ фотохроникаси.

# ТАРТИБ, ИНТИЗОМНИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

**«33 гектар уруғлик боғнинг ҳар гектаридан 250 центнердан, 8,8 гектар данакли боғнинг ҳар гектаридан 150 центнердан ҳосил олинади. Эл дастурхонига планда белгиланган 800 тонна ўрнига 900 тонна мева етказиб берамиз. Ердан самарали фойдаланиш ҳисобига 1 миллион туп сабзавот кўчатлари етиштирилади. 150 тонна сабзавот, 20 тонна қулупнай сотилади. Меҳнат унумдорлиги 2 процентга ўсади, маҳсулот таннархи 1 процент арзонлашади».**

Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводининг ўртоқ Умри Улуғхўжаева бошлиқ 12-бригадаси аъзолари 1985 йил учун зиммаларига ана шундай мажбурият олганлар.

Бу мажбуриятни бажаришга қандай қилиб эришилади? Мухбиримиз Ф. Мухиддинов бригада бошлиғи билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.

— Бир воқеа эсимга тушиб кетди, — деб ҳикоя қилади Умри опа,— чамаси бундан йигирма йил илгари бир корхонада илғор ишчини пенсияга кузатишга бағишланган тантанали йиғилишда қатнашган эдим. Ўшанда унинг шогирдларидан бири устози ҳақида ҳаяжонланиб гапирди. Мен, деганди у, устозимни қирқ бир йил давомида бирон марта ишга кечикиб келганлигини ёки узрсиз ишдан қолганлигини сира эслай олмайман.

Бу— инсондаги энг олийжаноб фазилат! Шунда мен жамики яхши ишлар, ютуқлар фақатгина мустаҳкам интизом, тартиб туфайлигина қўлга киритилишига қатъий ишонч ҳосил қилган эдим. Ўтган бутун ҳаётим давомида ана шунга амал қилиб келмоқдаман. Кам бўлаётганимиз йўқ.

1970 йилда мен қолоқ бригадага ўтиб ишлай бошладим. Бу бригадада ҳосилдорлик жуда пасайиб кетган эди. Аҳвол билан танишгач, бригадада меҳнат интизоми ниҳоятда бўшашиб кетганлигини сездим. Бу ҳақда бригада ишчилари билан суҳбат ўтказдим. Сизлар интизом деганда нимани тушунасизлар, деб савол бердим. Аввалига улар ҳайрон бўлишди, айримлар шу ҳам савол бўлдими, деб истеҳзоли кулиб қўйишди. Бу билан улар интизом бу — ишга вақтида келиб, вақтида кетиш-да, демоқчи бўлган бўлсалар керак-да. Мен буни фаҳмладим. Интизомнинг маъноси кенг, дедим. Интизом — бу ишга вақтида келиб, вақтида кетишгина эмас, интизом — бу ерни қадрига етиш, агротехника қоидаларига тўла-тўкис амал қилиш, интизом — бу белгиланган ҳар бир тадбирни ўз вақтида, маромида амалга ошириш, интизом — бу бир-бирига ҳамкор, мададкор бўлиб ишлаш, интизом — бу камчиликларга муросасиз бўлиш, нуқсонларни биргалашиб туриб тугатиш, ниҳоят, интизом бу — ютуқлардан эсанкирамаслик, уни мустаҳкамлаш учун курашиш, янгиликни ҳис қила билиш, резервлардан, имкониятлардан оқилона фойдаланиш демакдир. Дўстлар, ана шунга амал қилайлик. Умумхалқ иши учун бел боғлаганмиз. Ўзимизни ўзимиз алдамайлик. Азиз умримизнинг ҳар бир онини фойдали ишга сарфлайлик.

Қатъий тартиб, интизом ўрнатиш учун ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб ишлашимиз керак...

Шундай қилиб, бригадамизда ишлар юришиб кетди. Йил сайин натижалар кўзга ташлана бошлади. Агарда 1970 йилда 40 гектар ҳосилли боғдан амал-тақал қилиб 230 тонна ҳосил олинган бўлса, 1983 йилга келиб, бу кўрсаткич 680 тоннага етди.

Ҳар бир экиннинг, шунингдек, ҳар бир мевали дарахтнинг ўз агротехника талаби бўлади. Соҳибкорларимиз буни яхши билиб олишган. Олмазордаги мевали дарахтларнинг аксарияти баланд бўлиб ўсадиган навлардан эди. Шунинг учун ҳам уларга алоҳида парвариш керак. Баҳорда, кузда тепа шохларини ўз вақтида бутаб туриш, шакл бериш лозим. Шунда ён шохларида ҳосил мўл бўлади. Кузда қатор оралари, албатта, чуқур қилиб ҳайдалади. Клифер ёрдамида гектарига 200 килограммдан аммофос, 200 килограмм суперфосфат солинади. Қиш ойларида икки марта яхоб суви берамиз.

Кунлар исиб, олма дарахти барг чиқара бошлагач, дарҳол зараркунандаларга қарши кураш бошланади. Залон, олтингугурт суюқлиги сингари дориларни механизм ёрдамида пуркаймиз.. Бу тадбир ҳар 20 кунда такрорланади. Олма гуллаш олдидан яна гектарига 200 килограммдан азот берамиз ва сув қуямиз. Бу тадбир ҳосил тугунчаларининг кўплаб тўкилиб кетишига йўл қуймайди.

Умуман, мавсум давомида олмазорларга олти марта сув қуйилади. Лекин шуни унутмаслик керак: ҳосилни териб олишдан 25—30 кун илгари, албатта, сув қуйиш тўхтатилади. Чунки кўп сув ичган олма меваси узоқ сақланмайди, тез чириб кетади.

Бизда 8,5 гектар шафтолизор бор. Айрим боғбонлар шафтоли — бу умри қисқа дарахт дейишади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Унинг умрини узайтириш соҳибкорнинг қўлида. Қаровини ўрнига қўйиш керак. Вақтида ишлов бериш керак. Энг муҳими шафтоли дарахтини ҳар йили аямасдан бутаб ёшартириш талаб этилади. Бунда тепа шохлари қирқиб турилади. Янги чиққан новдалар қолдирилади. Шафтолига шундай шакл бериб турилса, у ҳатто 25—30 йилгача ҳосил бериши мумкин. Буни бизнинг бригадамиз мисолида кўрса бўлади. Ҳозирги шафтолизорларга 1970 йилда асос солинган. Ана шундан буён ҳар йили гектаридан 150—160 центнердан ҳосил олиб келаяпмиз.

Кўп йиллик тажрибалардан биз шунга ишонч ҳосил қилдик. Шафтоли калий ўғитини яхши кўрар экан. Унинг фойдаси катта. Шуни ҳисобга олиб, йил давомида ҳар гектар шафтолизорга 150 килограммдан калий соламиз. Бу ўғитнинг асосий қисми қиш ойларида берилса, самараси янада юқори бўлади. Шафтоли ҳам меваси пишиб етилгунча камида беш олти марта сув ичиши керак.

Маълумки, шафтоли дарахти ширага тез берилувчан бўлади. Агар ҳафсаласизлик қилсангиз шира гуллаб мева тугай деб турган дарахт баргларини жуда қисқа фурсат ичида бужмайтириб, сарғайтириб тўкиб юборади. Ана шундан сўнг ҳосил тугунчалари сарғайиб, новдалар қурийди. Бунга йўл қўймаслик учун эса соҳибкор хушёр бўлиши, дорилаш ишларини ўз вақтида ўтказиши керак. Биз шафтоли гуллаши олдидан уч процентли оҳак ҳамда кўктош суюқлигидан тайёрланган препаратни пуркаймиз. Шира кўтарилиб кетади. Ҳосили мўл, сифатли бўлади.

Ердан самарали фойдаланиш мақсадида боғ қатор ораларига сабзавот ва бошқа экинларни экамиз. Ана шу ҳисобга ҳар йили шаҳарликлар дастурхонига 150—200 тоннагача сабзавот етказиб беряпмиз. Кичик бўлса ҳам теплицамиз бор. Бу ерда ҳар йили сархил сабзавот кўчатлари етиштирамиз. Бошқа бригадаларга ҳам кўчат етказиб бермоқдамиз.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун боғлар ҳосилдорлигини ошириш йўлларини қидираяпмиз, изланаяпмиз. 1983 йилдан бошлаб боғларимизни янгилашга киришдик. Пастак бўлиб ўсадиган «мантет», «голденьделишес» навли олма кўчатларини экдик. Ҳозир бундай майдонлар беш гектарга етган. Бу нав олмаларнинг афзаллиги катта. Биринчидан, ҳосилни бемалол қўлда териб олиш мумкин. Иккинчидан, қатор ораларига ишлов беришни механизация ёрдамида амалга ошириш осон.

Биз ҳисоблаб чиқдик. Бир гектар ерга баланд бўлиб ўсувчи 100 туп олма дарахти экилса, шунча ерга янги навдаги олмадан 270 туп экиш мумкин экан. Ортиқча экилган 170 туп олманинг ҳар тупидан ўртача 50 килограммдан ҳосил олинса, у ҳолда 85 тоннадан кўп олма маҳсулотига эга бўламиз.

Пудрат усулида ишлаяпмиз. Бу усулни шароитга қараб такомиллаштирмоқдамиз. Гап шундаки, ҳар ким ўзининг қобилиятига, тажрибасига, имкониятига қараб ишлайди. Айримлар бир кунда беш туп олмага шакл берса, бошқа биров олти туп олмани қўлдан чиқаради. Уларнинг ҳаммасига баравар ҳақ тўлаш инсофдан бўлмайди, албатта. Шунинг учун биз ҳар бир ишловчи ҳисобига кундалик дафтар тутганмиз. Бу дафтарда улар бажарадиган ишлар ҳажми қайд қилиб борилади. Йил якунланганда кимнинг қандай ишлаганлигига қараб қўшимча ҳақ берилади.

Тежамкорликка катта эътибор бераётганлигимиз туфайли маҳсулот таннархи арзонлашмоқда. Бир центнер мева етиштиришга пландаги 13 сўм ўрнига 8 сўм сарфлаяпмиз.

Ғанимат кунларнинг ҳар биридан, ҳар дақиқасидан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бир киши икки-уч кишининг ишини бажариш учун курашмоқда. Олмаларга шакл бериш, маҳаллий ўғит ташиб чиқариш кундан-кунга кучайтирилмоқда. Биз юксак социалистик мажбуриятимизнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин тайёрлаймиз.

*Янги рубрика:*

**МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚАНДАЙ БАЖАРМОҚЧИСИЗ?**

*КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИДАН*

# МЕҲНАТГА ЯРАША

Корхонамиз атом энергетикаси учун шчитлар комплектини ишлаб чиқаришга, паст вольтли аппаратуралар ҳамда кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга ихтисослашиб боряпти. Ўтган йили шартли равишда «Размер» деб номланган янги хил кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Кейинги пайтда корхона қувватини ошириш йўлида катта ишлар қилинди. Янги бунёд этилган ишлаб чиқариш корпусларида унумли меҳнат қилиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар муҳайё. Иш шароити яхши бўлгач тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам ой сайин ортиб боряпти. Ўтган йили товар маҳсулоти ишлаб чиқариш топшириғини 103,1 процент адо этдик. Кенг истеъмол моллари тайёрлаш топшириғи ҳам ортиғи билан адо этилди.

Бизнинг цехда 230 киши меҳнат қилмоқда. Пудрат усулида ишловчи 5 та бригада тузилган. Бригада аъзолари ўз меҳнат коэффициентларига яраша иш ҳақи оладилар. Яхши яшамоқ учун яхши меҳнат қилмоқ керак деган шиорни баланд кўтарганмиз. Ишимиз унумли бўлгани сари олаётган даромадимиз ҳам кўпаймоқда.

Завод касаба союз комитети илғор ишчиларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиряпти. Кейинги йилларда дам олиш уйлари, санаторийларга берилаётган имтиёзли йўлланмалар сони анча ошди. Кўпгина ҳамкасбларимиз туристик йўлланмалар билан Иттифоқимиз шаҳарларини ва чет мамлакатларни томоша қилиб келишди.

Шу ўринда яна пайдо бўлаётган қўшимча эҳтиёжлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчи эдим. Корхонамиз янги бўлганлиги учун қиш пайтида цехлар бироз совиб кетди. Ёзда эса вентиляция системаси яхши ишламади. Кечки сменада ишлаётган ишчиларни уйларига элтиб қўйиш масаласи ҳам тўла ҳал этилмаган. Ишдан бўш соатларда ёшлар спорт билан шуғулланишни хоҳлашади. Лекин заводда спорт майдончаси ташкил этилмаган. Бу масалада биз корхона раҳбарларига, касаба союз комитетига мурожаат қилдик. Лекин ҳозирча бирон бир чора кўрилгани йўқ. Бинобарин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида экономикага, маданиятга, кишилар тарбиясига партиявий таъсир ўтказиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Ишчиларнинг кайфияти, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан шароитга боғлиқ эканлигини корхона раҳбарлари унутмасликлари керак.

**А. ОТАБОЕВА,**
**Тошкентдаги реле ва автоматика заводи комплектловчиси.**

## ЕР ОСТИДАГИ «АРИҚЛАР»

**ПАРКЕНТ районидаги «Чотқол» совхозида тик қияликларда жойлашган боғларни тупроқ остидан суғориш системалари монтаж қилиб бўлинди. Бу ерда ўн гектар майдонга махсус пенопласт найлар ётқизилди. Бу найлар дарахтларнинг бевосита илдизлари остигача келтирилган. Бунда дарахтлар ўртасидаги очиқ жойга сув чиқмайди. Шундай қилиб, тупроқ остидан суғориш системаси сувдан тежамли фойдаланиш имконини беради. Бундай система олмазорлар ястаниб ётган тоғ террассаларини суғориш энг мақбул режимини яратади, мевали дарахтлар ҳосилдорлигини оширишга кўмаклашади.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

# ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Институтимизнинг кундузги бўлимида 16 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. Ҳар йили 4 мингдан ортиқ йигит-қиз 68 мутахассислик бўйича инженерлик дипломини оляпти.

Студентлик йиллари инсон ҳаётидаги ажойиб даврдир. Кўплаб дўстлар орттирасиз, билим сирларини эгаллайсиз, жамият олдидаги бурчингизни яна ҳам ёрқинроқ ҳис этасиз. Ёшлар ўртасида ахлоқий-маънавий иқлимни яратиш кўп жиҳатдан касаба союз ва комсомол ташкилотлари жанговарлигига, уюшқоқлигига боғлиқдир. Шуни чуқур ҳис этган институт касаба союз комитети студентларнинг пухта билим олишлари, жамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўла сезишлари устида алоҳида қайғуряпти. Ўтказилаётган кўрик-конкурслар, оммавий спорт ишлари ва бошқа тадбирлар шунга хизмат қиляпти.

Студентларни тарбиялашда оммавий-сиёсий ишлар роли каттадир. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Биргина бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига 3 мингдан ортиқ студент жалб этилган. Студентларнинг коллектив клублари самарали ишлаб турибди. «СТЭМП» деб номланган халқ театри ўттиз йилдан бери фаолият кўрсатяпти. У республика Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган. Бундай коллективлар институтимизда оз эмас. Айни пайтда ҳаваскорлар киностудияси, адабий-драматик студия, диско-клублар ҳам қизғин фаолият кўрсатяпти.

Уч йилдирки, институтимиз базасида қардош республикалар делегациялари иштирокида халқлар дўстлиги фестиваллари ўтказилмоқда. Бу фестивалларда социалистик мамлакатлар олий ўқув юртлари бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам қатнашяпти. Фестиваллар студент-ёшлар ўртасида бадиий ҳаваскорлик санъатини пропаганда қилишда, кўп миллатли ҳаваскорлик театр ижодиёти билан студентларнинг кенг аудиториясини таништиришда катта роль ўйнамоқда.

Студентларимизнинг билим олишлари, бўш вақтларини хушчақчақ ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Сўнгги уч йил давомида 6 та ётоқхона фойдаланишга топширилди. Энергетика, нефть ва газ факультетлари учун янги ширам бинолар қуриб берилди.

Студентларни соғломлаштириш тадбирларига жалб этиш кўлами кенгаймоқда. Юз ўринли санаторий-профилакторий, 30 беморни қабул қилувчи амбулатория ва бошқа даволаш муассасалари ишлаб турибди. Ҳар йили 700 дан ортиқ студент туристик йўлланмалар билан Иттифоқимиз бўйлаб сафарга чиқмоқда. Бундай сафарлар ҳам ҳаво алмаштириш, саломатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаяпти.

Институтда оммавий спорт ишлари кенг йўлга қўйилган. Махсус спорт клуби ишлаб турибди. Ёшлар спортнинг 26 тури бўйича қирқдан ортиқ секцияда шуғулланмоқдалар.

Бу йил биз яна ҳам қизиқарли тадбирлар ўтказишни планлаштирганмиз. Ҳар бир йигит-қиз партиямиз XXVII съезди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини ўқишда ва ижтимоий ҳаётда янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга ҳаракат қилмоқда.

**П. ҚАЛАНДАРОВ,**
**Тошкент Политехника институти касаба союз комитетининг раиси.**

# СУРАТИ ҲУРМАТ ТАХТАСИДА

ЙИГИТЛИК бурчини ўтаб, армия сафидан қайтган Николайнинг тез орада ороми бузилди. Бирор касбнинг этагидан тутиб, элга нафим тегса деган ўйга борадиган бўлиб қолди. Унинг дилидагини англаган тенгдошлари ҳам қараб туришмади, ўз коллективларига ишга боришни маслаҳат қилишди.

— Корхонамизга сенга ўхшаган серғайрат ёшлар керак, — деб қолди кунларнинг бирида Алексей уни Олмалиқ мис саралаш фабрикасига бошлаб бораркан, — Коллективимизнинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Сафимизга қўшилсанг айни муддао бўларди.

Николай фабрикада коллективнинг яратувчилик ишлари билан танишди. Айниқса, корхонанинг жонкуяр ишчиси А. Жарких билан қилинган суҳбат унда катта таассурот қолдирди. Тажрибали ишчи уни бригадага ишга келишга таклиф этди.

Пешқадам бригада етакчисининг таклифи жавобсиз қолмади. 1959 йили Николай Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори А. Жарких бошчилик қилаётган бригада ремонтчилари сафига қўшилди. Бригада етакчисининг ўзи ёш ишчини оталиққа олиб, касбининг сир-асрорларини ўргатди. Йиллар ўтиб ёш ишчи бригададаги пешқадам ремонтчилар қаторига қўшилди. Сурати участка ҳурмат тахтасидан жой олди. Ҳамкасблари уни кўп йиллик хизматларини инобатга олиб, ўзлари меҳнат қилаётган бригадага етакчи этиб сайлашди. Николай Никулин бу масъулиятли ишни ҳам шараф билан уддалаб келмоқда. Бор куч ва маҳоратини ишга солиб, коллектив манфаатлари йўлида курашмоқда.

У бошқараётган бригада ремонтчилари зиммасига турли маркадаги дастгоҳларни бир маромда, юқори қувват билан ишлатилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Аҳил коллектив бу топшириқни муваффақиятли адо этмоқда. Шу боисдан ҳам корхонанинг биринчи участкасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати доимо юқори бўлмоқда. Бригада азаматлари ҳар доим бўлганидек, беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам самарали ишламоқдалар. Улар Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бошланган меҳнат беллашувида актив иштирок этиб, юқори натижаларга эришяптилар. Бригада фидокорлари қутлуғ байрамни ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш билан кутиб олишга қатъий аҳд қилишган.

Шу кунларда улар ўз сўзларининг устидан чиқиб, байрамга муносиб совға ҳозирлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бригаданинг Н. Жульфиков, И. Развутдинов сингари ўнлаб пешқадам ишчилари нормаларини бир ярим ҳиссадан адо этиб, меҳнат баҳсида илғорлик қилишмоқда.

**Р. АҲМАДАЛИЕВ.**

# ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

## ЙЎҚОЛСИН РАКЕТА ПОЛИГОНЛАРИ

ВАШИНГТОН. Тинч океанининг жанубий қисми мамлакатларида Америка маъмуриятининг бу регионда стратегик МХ қитъалараро ракеталарини синаш полигони сифатида фойдаланиш режаларига қарши аҳоли кенг табақаларининг норозилиги кучайиб бормоқда. ЮПИ агентлиги мухбирининг Янги Зеландиядаги Окленд шаҳридан хабар қилишича, шу мамлакатнинг ядро қуролига қарши ҳаракати активлари Пентагон стратеглари энг янги стратегик ракеталар тажриба тарзида учириладиган нишон сифатида танлаб олган Тасман денгизи районига қайиқларга тушиб боришга қарор қилдилар. Ядровий қуролсизланиш кампанияси раҳбарлик органининг вакили Мэри Лидбеттер регионда ядросиз зона вужудга келтириш тарафдори бўлган австралияликлар ҳам Янги Зеландияликларга қўшилишларини айтди.

Агентликнинг уқтиришича, илгари Австралиянинг лейбористлар ҳукумати МХ ракеталари синовларида Пентагонга кўмаклашишдан бош тортган эди. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, бу қарор Вашингтоннинг Тинч океан ҳавзасидаги стратегиясига қаттиқ зарба урди.

(ТАСС).

## ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

ИСЛОМОБОД. Панжоб вилоятининг Лохур шаҳрида ўз сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққан меҳнаткашларнинг кўп минг кишилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишни темирйўлчилар касаба союзи уюштирди. Унинг қатнашчилари қизил байроқлар ҳамда демократияни тиклаш ва иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талаблар ёзилган транспарантларни кўтариб шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

(ТАСС).

## ГРЕЦИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

АФИНА. (ТАСС). А. Папандреу бошчилигидаги Греция ҳукумати миллий қаршилик ҳаракати иштирокчилари хизматларини эътироф қилишда яна бир қадам қўйди. 1946—1949 йиллардаги граждан уруши даврида грек реакциясига ҳамда Буюк Британия ва АҚШ империалистларига қарши кураш олиб борган ва мамлакатда реакцион режим ўрнатилганидан кейин Грецияни тарк этишга мажбур бўлган грекларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси парламент муҳокамасига топширилди.

Греция Компартиясидан парламентга сайланган депутат К. Лулес бу қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган мунозарада сўзга чиқиб, граждан уруши оқибатларини тугатиш учун мазкур қонун лойиҳасининг ижобий ролини уқтирди ва ГКП вакиллари бу ҳужжатни қўллаб-қувватлаб овоз берадилар, деб айтди.

## ЛИВАН ВАКИЛИНИНГ МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК. Ливан ҳукумати исроиллик агрессорлар мамлакатнинг оккупация қилинган қисмида қилаётган жабр-зулм ҳаракатларига халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини яна бир бор қаратди. Ҳукуматнинг илтимосига биноан Ливаннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Фахури БМТ Бош секретарини Исроил қуролли кучларининг Ливан жанубий қисмидаги, Бекаа водийсининг ғарбий қисмидаги ва Рашейя районидаги шафқатсизлик ҳаракатларидан хабардор қилди. «Ҳозирги вақтда Исроил қўшинлари шу районларда кўп марталаб қуршов ўтказиб, одамларни қамоққа олмоқдалар, ўлдирмоқдалар ва жабр-зулм қилмоқдалар»,— дейилади Перес де Куэльярга юборилган мактубда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доираларида қайд этишларича, Тель-Авив оккупация қилинган территориядаги қўшинларни «босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш» планини эълон қилганидан кейин сионистлар мана шундай қутуриб бедодлик қила бошладилар. Бу бедодлик ҳаракатларини Исроил махсус маҳкамалари АҚШ билан мустаҳкам ҳамкорликда режалаштириб, амалга оширмоқдалар.

(ТАСС).



**● АНГОЛА халқи ўз миллий қаҳрамони, Ангола Халқ Республикасининг биринчи президенти Антонио Агостиньо Нето хотирасини муқаддас сақламоқда. Луандада Совет Иттифоқининг ёрдамида Агостиньо Нето номли давлат мемориал комплекси қурилмоқда. Суратда: комплекс қурилишининг умумий кўриниши.**

А. Мамедов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

## ПРЕЗИДЕНТ РЕЙГАННИНГ ОШКОРА ЭЪТИРОФИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Президент Р. Рейган АҚШнинг инсоният учун ҳалокат хавфини туғдириши мумкин бўлган космик фазони ҳарбийлаштириш режаларини зудлик билан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятида эканлигини яна тасдиқлади. У Оқ уйда ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Вашингтондагилар асло «тадқиқотлар» ҳақида эмас, балки космик қуролни жойлаштириш ва ундан фойдаланишнинг конкрет режалари ҳақида ўйлаётганликларини ошкор қилиб қўйди. «Башарти тадқиқотларимиз натижасида шу қуролни яратиш имконияти борлиги аниқланса... у ҳолда мен... бу қуролни жойлаштириш ва ундан фойдаланишни муҳокама қилишга тайёр бўлиб тураман, деб бир неча бор айтган эдим», деди у. АҚШ 12 март куни Женевада бошланадиган ва эришилган аҳдномага мувофиқ ядровий ва космик қуроллар билан алоқадор проблемаларнинг бутун комплексини қамраб олиши лозим бўлган Совет-Америка музокаралари чоғида бу масалаларни амалий руҳда муҳокама қилиш ниятида эмаслигини ҳам Рейган жуда очиқ-равшан айтиб қўя қолди.

(ТАСС).

## РЕВАНШЧИЛАРНИНГ ИҒВОГАРЛИК МАҚСАДИДАГИ БАЁНОТЛАРИ

БОНН. Ғарбий Германия реваншчилари бирин-кетин иғвогарлик баёнотлари билан чиқмоқдалар, бу баёнотларда улар Европадаги урушдан кейинги чегараларни қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқдалар, ГФРнинг Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Республикаси билан тузган шартномаларига тухмат қилмоқдалар.

Реваншчилик «уюшма»ларининг зарбдор отряди — машъум «қувилганлар иттифоқи»нинг бошлиғи Герберт Чая Ғарбий Германия телевидениеси орқали сўзлаган нутқида «Польшанинг ғарбий чегаралари қатъий белгиланган чегаралар эмас», деб сурбетларча даъво қилди.

(ТАСС).

